

Гувоҳликни беркитманг!



10:40 / 31.12.2018 2215

Ёлғон гувоҳлик кишиларнинг бекорга ўлиб кетиши, жабру жафо тортиши, ҳақ-ҳуқуқларининг поймол бўлиши каби кўпгина ёмонликларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Ислом ёлғон гувоҳлик беришни дунёдаги энг катта гуноҳ – Аллоҳга ширк келтириш билан тенглаштирган.

Шу билан бирга, гувоҳлик беришнинг масъулияти катта экан, деб ундан қочишга уринмаслик лозимдир. Гувоҳлик бериши матлуб шахснинг бу ишни адо эти-ши унинг инсоний ва исломий бурчи ҳисобланади. Ўзи шоҳид бўлатуриб, гувоҳлик беришдан қочиш эса гуноҳ саналади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

تَعْمَلُونَ بِمَا وَاللَّهُ قَلْبُهُ ؕ ءَاثِمٌ فَإِنَّهُ دَيَّكُمُهَا وَمَنْ الشَّهَادَةَ تَكْتُمُوا وَلَا



«Гувоҳликни беркитманг! Ким уни беркитса, унинг қалби гуноҳкордир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингизни ўта билувчидир» (283-оят).

Демак, гувоҳликни беркитмасдан, зарур вақтда адо этиш Аллоҳ таолонинг мусулмонларга амри экан. Чунки бу кўп нарсаларга, жумладан, ёмонликни қайтариш, унга қарши курашиш, адолат ўрнатиш ва уни ҳимоя қилишга боғлиқдир. Ислом дини таълимотларига кўра, ҳар бир мусулмон ёмонликка қарши турмоғи ва адолат учун курашмоғи зарур. Шунинг учун бошқа ижтимоий масъулиятлар қатори, гувоҳлик беришни ҳам ҳар бир мусулмон Аллоҳ, Ислом дини, миллати ва жамияти олдидаги бурчи деб англамоғи лозим. Гувоҳликни адо этишдан қочиш эса аввал айтганимиздек, катта гуноҳ ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, одамларни ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қиладиганларни инсон деб аташ жуда ҳам қийин. Қолаверса, бундайлар албатта Аллоҳнинг ҳам, бандаларининг ҳам ғазабига учрайди. Уларнинг одамларнинг қаҳрига учрашларини кўпчилик кўриб-билиб турибди. Бундайларга қарши жамоатчиликнинг қаҳри шу даражага етганки, яқин шарқ давлатларидан бирида шундай жаллодлардан бири йўл ҳодисаси сабабли ҳалок бўлганида ҳеч ким унга қарамаган ва жаллоднинг танаси сасиб, ҳайвонларга ем бўлган. Бундайларнинг албатта Аллоҳнинг қаҳрига учрашида ҳеч шубҳа йўқ.

Ёлғон гувоҳлик бериш учун турли баҳона-сабаблар ахтармаслик керак. Ақли-ҳуши жойида бўлган инсон бир оз қийналиб бўлса ҳам ҳақиқат учун курашиши зарурдир. Бу борада уламолар такрор-такрор айтадиган собит исломий қоида бор: «Холиққа маъсият бўладиган ишларда махлуққа итоат

қилиш йўқ».

Ёлғон гувоҳлик бериш қанчалик катта маъсият эканлигини билдик. Демак, бу дунёдаги вақтинчалик қийинчиликлардан қочиб, охиратнинг абадий ва шиддатли азобларига ўзини гирифтор қилмаслик керак.

Иккинчидан, ёлғон гувоҳлик бериш ҳақида келган оят ва ҳадисларда мажбур бўлганларнинг узрларини қабул қилишга ишора ҳам йўқ. Шунингдек, Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш ва одам ўлдириш каби гуноҳларни «Фалончи буйруқ берган эди», деб амалга ошираверилмайди. Ёки буйруқни бажаргани учун гуноҳи кечирилади деган гап ҳам йўқ.

Аллоҳ таоло барчамизни бундай ноқулай ҳолатлардан Ўзи сақласин! Доимо Аллоҳ учун гувоҳлик берувчи бандалардан қилсин! Омин!

«Ёлғон» китобидан